*«Шоир қалби дунёни тинглар», деб ёзган эди Мақсуд Шайхзода. Чиндан ҳам шундай. Бугунги суҳбатдошимиз андижонлик шоира, «Оқшом»нинг кўп йиллик муштарийси Турсуной Содиқованинг сўзларини ўқиб бунга яна бир карра амин бўласиз.*



Дилкаш суҳбатлар

# ҚУЁШЛАРИ ҚЎШ БЎЛИБ КЕТСИН

**— Турсуной опа, одамлар сизнинг маънавият ҳақидаги суҳбатларингизни интиқлик билан тинглайдилар, шу мавзуга бугун ҳам тўхталсак...**

— Шоира сифатида кўнглимни кўтарадиган жиҳат ҳам шу. Биз одамларга моддий бир нарса тарқатмаймиз, лекин одамлар суҳбатлашмоққа истак билдирадилар. Кимларгадир керак эканман деган юпанч юракларимнинг тагини яшнатиб турадур. Турли муаммолар мавжуд бўлган бир даврда кишиларнинг кўнглига эзгулик ҳақидаги гап сиғиши катта гап бу! Одамларда маънавиятга эҳтиёж яшаяптими, бу халқнинг палаги тоза дегани!

**— Ҳозирги жамиятимизда аёлнинг ўрни жуда катта. Бу ўз-ўзидан аёлларимизга улкан масъулият юклайди. Ана ўша аёл масъулияти ҳақидаги фикрларингизни айтиб ўтсангиз.**

— Ҳозирги кунда аёл ҳақида сўз юритмоққина эмас, бу мавзуда музокара, мунозаралар ўтказмоқ жоиз, ўғлоним. Мана ўзингиз айтиб турибсиз, аёллар масъулиятини ошириш керак деб. Сизнинг бу гапни бепарвогина айтаётганингиз менинг жонимни оғритади. Эркаклар қатори аёлнинг ҳам биттагина жони бор эди, қирқта жони борга чиқардинглар. Замонанинг зайли билан қирқта жон ҳам камлик қилиб, аёл ўзидан қирқ мингта жон ясашга зўриқиб ҳаракат қилгани қилган. Минг шукрки, мустақилликка чиқиб олдик, аёллар хусусида жонпарвар фармони олийлар берилди. Бундан бу ёғи, иншоолло, аёл ўзининг муносиб баҳосини топиб бораверади.

Аёл ўзини зўриқиш ҳолатига олиб келди деяпман: забардаст эрлар билан бир хил иш соатлари, бир хил иш шароитлари белгиланди, тенг ҳуқуқлиман деди, ишлайверди, она бўлгич аёлнинг жисмижони учун зарарли бўлган юмушларда ойлигига қизиқиб ишлайман деса, ўзи рози-ю дедик-да, ишлатавердик, учинчи сменаларда ишласа ҳам беэътибор бўлдик.

Кўча ишларини эри билан баравар бажариб келган аёл уйга келган заҳоти енг шимариб ичкарининг меҳнатини бошлайди. Эркак бўшаган қопдай телевизор қошига узала тушади. Озиқ-овқат, кирчир, меҳмон кутиш, боланг касал бўлса тонггача мўлтираб чиқиш — ҳаммаси аёлнинг зиммасида. Аёл бу ишларни ҳаргиз эркагига илинмайди, ўзининг бирламчи МАСЪУЛИЯТИ деб билади. Сизга, менга ўхшаган воизлар ўтқизволиб яна бир қанча вазифалар юклаб, масъулиятлар талаб қилсак, минг бир хижолатчилик билан бош эгиб, ер чизиб ўтираверади! Аёлнинг мана шу ўтириши ҳаммамизни безовта қилиши керак!

Биринчи навбатда, аёлларнинг ўзига бўлган масъулиятини ошириш керак, яъни аёл ўзидан хавотир олмаяптими, ўзини тежашни, аяшни билмаяптими (жуда кўп аёллар қонуний ҳуқуқларини танимайдилар, давлат чиқарган имтиёзлардан фойдаланмайдилар), Шуни аниқлаш даркор. Баъзи аёлларимиз эса «Берсанг ейман, урсанг ўламан» қабилига тушиб олганлар. Олдиларига сизу биз қўйган вазифаларга ўзларини зўрлаб улгуртишни оқилалик деб биладилар. Бу ташвишли кўриниш! Ахир уларнинг ҳар биттасининг қўлидан миллатнинг камида иккитадан боласи дон ейди: уларнинг чарчоқ, асабий, камқон томирларидан озуқа олади, отаси яхши — биттаси яхши, онаси яхши — ҳаммаси яхши, деган нақл бор. Бугунги аёлнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолоти миллатнинг эртанги сифат белгисидир.

Хулоса: қадрли йигитлар, агар ўзингиз аёлларни АЯШГА МАСЪУЛЛИК билан ёндошмас экансиз, сизни миллатпарвар деб бўлмайди. Сиз бир астойдил ўйлаб кўрдингизми, аёллар нима учун ўзини ўтдан-чўққа урадиган бўлиб кетди? Бозорда аёл, сафарда аёл, жанжал, аризабозликда аёл?! Мабодо эркаклар суст тортиб кетмадими, ўзларини панага тортиброқ, аёлларининг соясига ўтиброқ қолмадиларми?! Ҳа-ҳа, тан олиб қўяверинг, худди шундай бўлиб қолди. Бу бонг чаладиган ҳолат! Демак, аёлларнинг рисоладаги иқлимга қайтиши учун йигитларнинг ўзига бўлган масъуллигини оширмоқ лозим.

**— Аёлнинг оиладаги ўрни ҳақида гапирсангиз.**

— Аёлсиз оиланинг ўзи йўқ! Жуфтми ё она, сингилми ё опа, ёинки қиз фарзанд бўлгандагина уйингизда ҳаёт шаклланади. Аёлнинг маънавий сифатларига қараб ўша оила фариштали ёки фариштасиз саналади.

**— Аёл маънавиятига нима учун бу қадар урғу беряпсиз?**

— Бир пайтлар бир нуфузли аёл: «Эй, Турсуной опа, маънавият-маънавият, деяверасиз, аввал одамларнинг қорнини тўйғазиш керак!» — деган эди. Мен бу раҳбар хонимнинг ғариб маънавиятига ич-ичимдан ачинган эдим... Аввало кишиларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш керак, бўлмаса, бўғзидан емакка ботириб қўйсанг ҳам, тўймадим деяверади. Уруш йиллари, одамлар кунжара еб юрган пайтлари беш, етти, ўн нафар боласи билан бева қолган аёллар оғир кунларни тишларида тишлаб ўтказдилар. Шунча етимни қандай қилиб боқиб катта қиламан деб, ҳеч ким ўзини осиб ёки ёқиб юбормаган. Бугунги кунда эса бунақа калтабинлар учрайди, маънавий путур етганими шу!?

Аёл оилада ёз ё қиш ҳосил қилиб турадиган иқлим, болалар учун эса бирламчи дорилфунундир: дунёни таниш, мана шу Ўзбекистон деган тупроқнинг қадрига етиш, кимлардан қолганини билиш, ўзбекларнинг феъли қайси бобосига тортганлиги-ю, қаёқдан келаётганлигини уқдириб турищдаги шарқона назокат, ҳар бир куннинг шукронаси, шу ёруғ қуёшнинг, очилиб турган гулнинг, эшикдан кириб келаётган отаси борлигининг, оға-иниларга эга эканлигини, она бола учун буюк бахтлигини тушунтириш, асосан, бола руҳиятини тарбиялаш фақат онанинг ва яна фақат онанинг қўлидан келадиган иш.

**— Опажон, йигитларга яна қандай гапларингиз бор?**

— Аёлнинг битта камчилиги бор (аслида буни буюклик деса бўлади), у ўзининг кимлигини, қўлидан келаётган ишларга баҳо қўйишни билмай ўтиб боради. Бу фидойилигига яраша Сиздан қайтим ҳам сўрамайди. Ёруғ дунёда эгилиб, букилиб, аммо синмайдиган нарсанинг биттаси ҳақиқат бўлса, иккинчиси аёлдир! Бу яшовчан Буюкликнинг (мен аёлни шундай атаяпман) яна бир нозик жиҳати бордир — дунёнинг бор хирожини оёғи остига тўкинг, қоронғи кўнгли ёришмайди, аммо жуфтининг бир оғиз яхши гапидан кайфияти гулистон бўлади. Ўзингиз гулдай бўлиб юрганингиз, уни қулдай ишлатиб олаётганингиз ҳаққи, йигитларжон, аёлингизга биттагина гапни топиб айта олинг, токи унинг юрагидаги отмаётган тонглари отсин, қуёшлари қўш бўлиб кетсин...

Наби ЖАЛОЛИДДИН
суҳбатлашди.

---

*Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри ўзининг навбатдаги мавсумини очди. Бу ҳақда театр директорининг ўринбосари Исматулла Одилов шундай деди:*

Мавсум режалари

# МУСИҚИЙ ТУҲФА

— Театримизнинг 57-ижодий мавсумини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра» асари билан очдик. Театримиз мусиқий театр эмасми, барча томошалар мусиқа билан ҳамоҳангдир. «Фотима ва Зуҳра» спектаклидаги мусиқаларни Фарҳод Олимов ёзган. Театрда ҳозирги кунга келиб жуда кўп ижодий ишлар, изланишлар авжида. Халқимизнинг ардоқли фарзанди, мусиқий театр, қолаверса мусиқий драма жанрининг асосчиларидан бири бўлмиш Тўхтасин Жалиловнинг 100 йиллик таваллудини республика миқёсида нишонланиши кўзда тутилмоқда. Ушбу санага, айниқса, бизнинг театримизда катта тайёргарлик кўриляпти. Бастакорнинг ижодига мансуб «Равшан ва Зулхумор» саҳна асари устидаги ишни жадал бошлаб юборганмиз. Шунингдек, истеъдодли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров таваллудининг 70 йиллигини театрда кенг нишонламоқчимиз.

Ижодий жамоамиз кичкинтой томошабинларни ҳам унутгани йўқ. Уларнинг таътил пайтида болалар учун махсус томошалар қўйилади. Жажжиларга бағишлаб бир мусиқий спектакль саҳналаштириш ниятимиз бор. Умуман олганда, «Тўйлар муборак», «Куёвлар конкурси», «Бир кам дунё», «Тошболта ошиқ — тадбиркор», «Тошкентга саёҳат» каби спектаклларимизни томошабинлар интиқлик билан кутишлари бизни жуда қувонтиради. Шунингдек, Насрулло Қобул қаламига мансуб «Бир соатлик халифа» деб номланган мусиқий томошамиз театр мухлислари учун ўзига хос бир туҳфа бўлади. Спектаклга мусиқаларни Аваз Мансуров басталаган, режиссёр Баҳодир Назаров саҳналаштирган.

Назокат УСМОНОВА.

---

Ён дафтардан

# ЎГИТЛАР

❑ Гапиришдан олдин ўйлаб, кейин сўйлаш керак. Қандоқ гапириш ва нима учун гапиришни билиш керак.

❑ Антон Павлович Чехов шундай деган эди: «Қисқалик қобилиятнинг синглисидир». Бу битта сўз бир тоннага тенг дегани.

❑ Агар товуқмия билан ўйласанг узоққа боролмайсан. Яхши ва бахтли ҳаётни ҳатто тушингда ҳам кўрмайсан.

❑ Агар уйингизда гилам кўп бўлса сиз ҳали маданиятли инсон ҳисобланмайсиз.

❑ Ифлос нарса кўпроқ ифлос кишиларга ёпишади.

❑ Чўнтагингизда ҳеч нарса йўқ бўлса бу фалокат эмас, агар қалбингиз бўм-бўш бўлса — бу фалокат.

❑ Фикрлаш — бу ёруғ оламни, унинг меҳрибонликларини, гўзаллигини ва ҳақиқий инсонларни севишдир.

❑ Капалаклардек қанот қоқишни ҳаммамиз биламиз, аммо умид чўққиларига етишга ҳамма ҳам қодир эмас.

❑ Рассом — бу фақат мўъжизага ишонадиган инсон эмас, балки одамларга қувонч олиб келадиган инсон ҳамдир.

❑ Ҳақиқатни ҳеч ким ёқтирмайди, ҳатто уни ўйлаб топганлар ҳам.

Николай ТЯТОВ.

---

Турфа олам

# ҲАЙВОНЛАР ИНСОН ХИЗМАТИДА

Швейцариянинг баланд тоғларида қиш узоқ давом этади. Қалин қор ёғиб, кучли шамоллар натижасида йўллар кўмилиб қолади. Шундай вақтларда йўловчиларнинг адашиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Шунинг учун қишда бўйнига озиқ-овқат тўлдириб солинган, тўрва осилган ва орқасига пахталик кўрпа боғланган йирик, бақувват итлар тоғ-тошларни кезиб, қор остида қолган йўловчиларни топишади, қутқаришади. Биргина Барри лақабли ит қирқ кишини топиб, ўлимдан қутқариб қолган, қирқ биринчи кишини қидираётганда ўзи ҳалок бўлган. Баррини Парижга элтиб кўмишган ва қилган хизматлари учун унга ҳайкал қўйишган.

***

Югославиялик Евеч деган бир деҳқоннинг ақлли мушуги бор. Деҳқоннинг ўғли 8 километр олисда тоғда мол боқади. Агар отаси ўғлига бирор зарур хабар етказмоқчи бўлса, хат ёзиб мушукнинг бўйнига боғлайди-да, уни тоққа жўнатади. Шу йўсинда бир-биридан олисда бўлган ота ва ўғил мушук орқали алоқа боғлаб туради.

***

Венгриянинг Дорог шаҳридаги дори-дармон тайёрлаш фабрикасида иккита тўти сақлаш учун штат берилган. Тўтиқушлар энг заҳарли модда — синил кислота ишлаб чиқариладиган цехда хизмат қила бошлаган.

Ҳавода заҳарли модда озгина пайдо бўла бошлаши билан улар безовталаниб, тегишли одамларни бундан хабардор қиладилар. Ҳавода заҳарли модда пайдо бўлиши сабаби аниқланиб, ҳаво ундан тозаланмагунча ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилади.

***

Сингапурда бир неча маймун ўсимлик намуналарини терувчи бўлиб хизмат қилади. Уларга ноёб ўсимлик намуналари кўрсатилса бас, ўтиш қийин бўлган чангалзорлар орасидан ҳам бу ўсимликларни бемалол топиб келади.

Оқила РАИМОВА.

---




Буни ўзингиз уддалайсиз

# ПОЙАБЗАЛГА ҲАМ ЭЪТИБОР БЕРИНГ

*Бугунги бозор иқтисодиёти пайтида эгниларидаги кийимлару оёғидаги пойабзалини эҳтиёт қилиб, авайлаб-асраб кийишга кўпчилик ўз эътиборини қаратади. Аммо кийимлар, айниқса пойабзаллар маълум муддат ўтгач таъмирга муҳтож бўлиб қолади.*

*Қайта таъмирлаш ҳам бирмунча қимматроқ. Шундай экан, оёқ кийимларини уй шароитида ўзимиз созлаб олсак қандай бўларкин? Қуйида пойабзални қандай тозалаш ва янги ҳолига келтириш ҳақида баъзи маслаҳатларни эътиборингизга ҳавола этамиз.*

Масалан, ҳар куни кўчадан келгач, оёқ кийимини чангғубордан тозалаб, махсус мой билан ёғлаб қўйиш қийин эмас. Пойабзал мойи оёқ кийимини юмшоқ қилади, қуруқшаб қолишдан сақлайди, узоққа чидайдиган қилади.

Бундан ташқари агарда оёқ кийимингизга нам ўтган бўлса қуйидагича қуритишингиз мумкин: юпқа қоғоз ёки газетани ичига иложи борича кўпроқ тиқиб қўйинг. қоғоз намни тортиб олади. Қолаверса, пойабзалдан вақтинча фойдаланиш зарурати бўлмаса уни яхшилаб тозалаб, крем суртган ҳолда ичига газета ёки юпқа қоғоз тиқиб асраганингиз маъқул. Оёқ кийимларни яхшиси алоҳида қутида сақлаган маъқул.

Айтайлик, кун бўйи уринавериб доғ бўлиб кетган пойабзалингизни бензин ёки пиёз суви билан тозалашингиз мумкин.

Оёқ кийимларни уй шароитида қайта таъмирлаб олиш учун болға, мих, махсус омбир, мослама, елим, илгакли бигиз, қўл пичоқлари каби асбоб-ускуналар керак бўлади. Уларни хўжалик моллари дўконидан ёки маиший хизмат соҳасидаги усталардан топиш мумкин. Асосий хом ашё елим, чарм ва резина маҳсулотлари, пошналар, металл тақачалар, капрон иплар ва уларни пиштишда ишлатиладиган мўмлар ҳисобланади. Агар ҳонадонингизда ушбу асбоб-ускуна ва материаллар бўлса, олди ва ёнлари очилиб кетган оёқ кийимларини бемалол елимлаб, ямаш мумкин. Бунинг учун елим суртиб, бироз қуритилади ва иссиқроқ жойга қўйиб қиздирилади. Шундан сўнг маҳкам ёпиштирилади.

Таъмирталаб пойабзални илгакли бигиз ёрдамида капронли ип билан тикиб олиш ёки михлаб маҳкамлаш қайси хонадон соҳибининг қўлидан келмайди, дейсиз.

Дилдора ОРИПОВА
тайёрлади.

---



*Сокин кўлда кузнинг нафаси.* *Рашид Галиев олган сурат.*

---

Олий ўқув юртларида

# ТАЛАБА АТАЛМИШ БАХТИЁР ЁШЛАР

Илк бор олий ўқув юртининг кенг аудиториясида дарс тинглаш — биринчи курс толиблари учун энг ҳаяжонли дақиқалардан ҳисобланади. Бўлмасамчи, ахир кечагина қадрдон мактаб партасида ўтириб ширин хаёллар суриб, режалар тузганликлари, сўнг абитуриентликнинг беҳаловат, ҳаяжонли кунлари... Бугун эса улар — талаба!

Куни кеча Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтган тантана — талабаликка қабул қилиш маросими ҳам биринчи курс талабалари ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди. Институт маданият саройининг кенг зали ёш илми толиблар, муҳтарам домлалар ва ташриф буюрган ота-оналар билан гавжум бўлди. Институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Ҳалима Алимова тантанали кечани кириш сўзи билан очиб, биринчи курс талабаларини қизғин табриклади.

— Азиз фарзандларимиз, — деди Ҳалима Алимова, — сизнинг чуқур билим олиб, танлаган касбларингизни пухта эгаллашингиз учун институтимизда барча шароитлар муҳайё. Кенг ва ёруғ аудиториялар, тажриба, компьютер хоналари, кутубхона ва спорт заллари сизларга мунтазир. Мустақил Ватанимиз сизларнинг ҳар томонлама етук мутахассислар бўлиб етишувингизни кутмоқда.

Шунингдек, институт фахрийлар кенгашининг раиси, тарих фанлари номзоди, доцент Ф. Озодаев сўзга чиқиб, илм олишнинг аввали машаққатли, ниҳояси эса ҳузурбахш эканлиги ҳақида гапириб, талабаларни тиришқоқлик ва қунт билан ўқишга даъват этдилар.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан Султон Отахўжаев, Дарья Лим ва Санобар Шариповалар ушбу тантанали маросим фарзандларгагина эмас, балки, ўзлари учун ҳам ҳаяжонли эканлигини айтдилар, заҳматкаш домлаларга энг яхши тилакларни изҳор этдилар.

Тантанали маросимда шунингдек, биринчи курс талабалари ҳам сўзлаб, касб ва билим асосларини пухта эгаллаш, мустақил Ватан учун чуқур билимли мутахассис бўлишларига сўз бердилар. Институтнинг «Ипак парилари» ҳаваскорлик дастаси тўпланганлар хизматида бўлди. Маросим сўнгида эса институтнинг 60 йиллиги муносабати билан суратга олинган «Камолот йўлида» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Насиба ОЧИЛОВА.

---

Бўш вақтларингизда

# ТОПҚИРЛИГИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

*Азиз муштарий! Аввало қуйидаги ҳарфлари баён этилган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан ёзинг.*

Рақамли хонадан соат мили бўйича:

1. Тошкент шаҳрининг қадимий дарвозаларидан бири. 2. Халқ хўжалиги тармоқларининг моддий ва молиявий томонларини ўрганувчи фан. 3. Вақтни кўрсатувчи асбоб. 4. Мағзи серёғ дуккакли, илдизмевали экин. 5. IX-X асрларда яшаб ижод этган форс-тожик мумтоз шоири, «Қариликка қасида» ўз таржимаи ҳолига оид асар муаллифи. 6. «Ўтган кунлар» фильмида Юсуфбек ҳожи сиймосини гавдалантирган санъаткор. 7. Таомга лаззат киритувчи ўсимликлар уруғи, барги. 8. Хушбўй, манзарали ўсимлик.



Ёйлар бўйича:

9. Тут мевасидан тайёрланадиган миллий ширинлик. 10. Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи қаҳрамони. 11. Милоддан аввалги биринчи ва милоднинг XVI асрларига мансуб, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги шаҳар харобаси. 12. Ихлос —... (Мақол). 13. Ёр, маъшуқа шаънига айтиладиган қўшиқ номи. 14. Танаси оқ шимол дарахти. 15. Субтропик шифобахш ҳўл мева. 16. Кучли емирувчи бурон.

Энди машқни тўғри ҳал этган бўлсангиз шакл атрофи ва ўртасидаги хоналарда берилган рақамларни жавобларнинг биринчи ҳарфлари билан алмаштиринг. Бунда ҳосил бўладиган ҳикмат шарқ донишманди Абулқодир Нурий Барзанжийнинг «Муқтафоти адабийа» («Одобга оид термалар») асарига мансуб.

Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ.

---

Ножўя иш — келтирар ташвиш

# ЧЎНТАК-КЕСАРЛАР

Эдвардо Бурлини Италиядан Тошкентга ташриф буюрганди. «Аския» бозорини айланиб юриб кимдир чўнтагидан пулини ўғирлаб кетганлигини сезди. Бу ҳақда дарров шу ерда хизмат қилиб юрган ички ишлар ходимларига хабар қилди. ИИББ ЖҚБ кичик нозирлари И. Ким. Р. Халилов ва М. Улунбековларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида меҳоннинг чўнтагидан 100 сўмни ўғирлаган илгари судланган С. Мансур ушланди. Рим шаҳрилик Э. Бурлини ички ишлар ходимларига ўз миннатдорчилигини билдириб шундай деди:

— Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳри ИИББси ходимларининг бунчалик тезкор иш олиб боришларини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Бизнинг полициячиларимиздан ҳам яхшироқ ишлашди. Жуда хурсандман...

Кейинги пайтларда қурилаётган шарқона услубдаги бозорлар пойтахтимиз чиройига янада чирой қўшди. Тошкент Отчопарида қад кўтарган янги савдо расталари ҳам харидор ва сотувчилар билан гавжум. Кимдир мол олгани, кимдир сотгани келади. Бироқ кимлардир ўзгалар чўнтагига хиёнат қилгани келишар экан.

Муқаддам судланган, тошкентлик Ҳ. Мурод харидор Бахтиёр Шокировнинг ҳамёнидаги 500 сўмни ҳамирдан қил суғургандай осонгина олди. Бироқ ИИББ ЖҚБ кичик нозирлари Р. Халилов, И. Ким, Ш. Эгамбердиев, Р. Эргашевлардан қочиб қутулолмади.

Юқоридаги икки жиноят бўйича жиноий иш қўзғатилган.

17-троллейбуснинг М. Горький бекатида Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармасининг тезкор вакиллари, кичик нозирлар М. Тўлаганов, Б. Ҳусанов, Р. Обировлар Марказий Банкнинг ҳисоблаш марказида ҳисобчи бўлиб ишловчи И. Казинскийга троллейбусга чиқишда «ёрдамлашиб юбормоқчи» бўлган муқаддам судланган В. Григорьевни ушлашди. У ҳисобчининг чўнтагидан 52 сўм пулни суғуриб олиб йўл бўшатганди-да.

Ўғриларнинг аксарияти бошқа шаҳарлардан бўлиб чиқмоқда. Мисол учун 7 сентябрь куни Тошкент Отчопарида Зангиота туманида истиқомат қилувчи М. Толипованинг 224 сўмини ҳамёнидан ўғирлашга уринган 18 ёшли Д. Тўлаган асли Чирчиқ шаҳридан экан.

Шарқда қадим-қадимдан ўғирликни оғир жиноят ҳисоблаб келишган. Шундай экан бировларнинг пешона тери эвазига топган пулларига кўз олайтирувчи бундай кимсалардан ҳушёр бўлайлик.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

